VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 июл ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 70621 тани ташкил қилиб, шундан 47638 таси ёки 67,4 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар асосан қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасига 36639 та (51,9 фоизи), савдо 9979 та (14,1), саноат 6731 та (9,5), қурилиш 3111 та (4,4), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 2907 та (4,1 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2020 йилнинг 1 июл ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича сони

	Рўйхатга олинганлар		*Фаолият кўрсатаётганлар*	
	бирлик	*якунга нисбатан фоизда*	*бирлик*	*якунга нисбатан фоизда*
Жами	**70621**	**100**	**47638**	**100**
шу жумладан:				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	36639	51,9	15576	32,7
Саноат	6731	9,5	6251	13,7
Қурилиш	3111	4,4	2890	6,2
Савдо	9979	14,1	9421	18,9
Ташиш ва сақлаш	1080	1,5	1029	2,1
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2907	4,1	2728	5,7
Ахборот ва алоқа	609	0,9	571	1,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	741	1,0	716	1,5
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	8824	12,5	8456	18,1

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 5,7 фоизи давлат ва 94,3 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар ҳисобланади.